

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

FARG'ONA VILOYATI
O'ZBEKISTON TUMANI
HOKIMINING
QARORI



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА
УЗБЕКИСТАНСКОГО РАЙОНА
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

20 20 il " 11 " May № 663

Танловда голиб чиқган Дашт-Чўлпон МФЙда яшовчи фуқаро Ёкубов Нуриддин Назимовичга пахтачилик-ғаллачилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил этиш учун ижарада фойдаланишга ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

Тақдим этилган хужжатларни батафсил ўрганиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси "Ер Кодекси"нинг 6-13-53-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролик кодекси"нинг 19-50-51-52-моддари ва Ўзбекистон Республикаси "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 4-13-31-моддаларига ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6-25-моддаларини кўллаб:

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашининг 10.04.2020 йил кунги 112-сонли хулосаси, Ўтказилган танлов якунларига кўра ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 20.04.2020 йил кунги хулосаси, Халқ депутатлари туман кенгашининг 27.04.2020 йил кунги 30/5-6-сонли қарори асос учун қабул қилинсин.

2. Танловда голиб чиқган Дашт-Чўлпон МФЙда яшовчи фуқаро Ёкубов Нуриддин Назимовичга А.Ниёзов ММТП худудидаги туман ҳокимлиги захире фондига қарашли 527, 528, 530, 541, 533, 526, 525, 522, 524 контурлардаги жами 38.7 га ер майдонлари, шундан 37.4 га экин ери, 1.15 га ариқ-зовурлар, 0.05 га йўллар, 0.10 га тутзорлардан иборат ер майдонлари пахтачилик-ғаллачилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил этиш учун 49 (қирк тўққиз) йилга узоқ муддатга ижарада фойдаланиш учун ажратиб берилсин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи С.қурбоновга туман Статистика бўлими бошлиғи О.Абдуллаевга, туман Давлат Солиқ инспекцияси бошлиғи Ж.Қўчқоровга ҳамда Давлат хизматлари маркази бошлиғи М.Жўраевларга ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда давлат рестирларига амалдаги тартибда тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва Сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Д.Қодиров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Қ.Джураев